

**ЎҚУВЧИЛАРГА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШДА ЎЗБЕК  
МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Saloyev Mirzohid Ulug'bek o'g'li**

**Turkiston yangi innovatsiyalar universitetining**

**1 – kurs magistranti**

Ўзбек мусиқа фольклори асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бирига айланди. Чунки, ўзбек мусиқа фольклори миллатнинг маънавий-муסיқий бойлиги ҳисобланиши билан бирга унинг мазмунида миллий урф одат ва анъаналар, миллий менталитетга ўз ифодасини топган. Ўзбек мусиқа фольклори ўзининг ўйноқчилиги ва жўшқинлигига кўра ўқувчиларни эстетик тарбиялашда муҳим дидактик восита саналанади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида “Мусиқа маданияти” ўқув фани жараёнида Ўзбек мусиқа фольклорини ўрганиш ўқувчиларнинг санъат асарларини ҳис этиш, улардан маънавий завқ олиш, гўзалликка интилиш каби ҳислатларининг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда Ўзбек мусиқа фольклори асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш усуллари, воситаларини, эстетик тарбиянинг педагогик-психологик имкониятларини очиш зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки мусиқа таълимининг ушбу йўналиши ўқувчиларда мусиқа фольклорига оид назарий ва амалий билимларни, бадий-муסיқий, эстетик тафаккурни шакллантиришда, маънавий-ахлоқий тарбиялашда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини таркиб топтириш, энг аввало, мазкур жамиятда яшаётган кишиларнинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан етуқлиги ва юксак даражадаги ақлий салоҳиятига боғлиқ.

Ёш авлодга таълим–тарбия бериш умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ҳар бир ўқув предмети ҳамда синфдан ташқари олиб бориладиган тадбирлар орқали амалга оширилади. Мактаб ўқув предметлари ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Эстетик таълим-тарбия туфайли ўқувчиларда бир қатор ижобий сифатлар шаклланади. Жумладан, уларда кучли ҳиссий мушоҳада, мустақил тафаккур юритиш қобилияти, мантиқий фикрлаш хусусиятлари таркиб топади. Шундай экан, умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларда эстетик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўқувчиларга эстетик таълим-тарбия беришда маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлган муסיқий фольклор етакчи ўрин эгаллайди.

Таълим жараёнида муסיқий меросдан фойдаланиш натижасида ўқувчиларни мураккаб ўқув юкласидан халос этиш, уларни маънавий-

ахлоқий тарбиялаш, эстетик дидини ривожлантириш учун имконият вужудга келади. Бу каби вазифаларни амалга оширишда Ўзбек мусиқа

фольклорининг ритми, ўқувчига тез таъсир қилиши алоҳида аҳамиятга молик. Ўзбек мусиқа фольклори ўзининг этник хусусиятлари ва услуги билан бошқа воҳа фольклоридан кескин фарқ қилади. Юқоридагиларга кўра, Ўзбек мусиқа фольклори воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларни инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, билим ва маърифатга интилиш руҳида тарбиялаш, урф-одатлар, анъаналарни қадрлашга ундовчи омил бўлиб, улар мусиқа таълимини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ва шу билан биргаликда ўқувчиларни эстетик тарбиялашни тақозо қилади. Қайд этилган муаммоларни амалга оширишда қуйидагиларни алоҳида ҳисобга олиш керак.

Аввало, мусиқа таълимининг самарадорлигини оширишга эҳтиёж туғилмоқда. Қолаверса, мусиқа таълими орқали ўқувчиларни эстетик тарбиялаш усуллари, воситаларини асослаш, эстетик тарбиянинг педагогик-психологик имкониятларини очиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ўзбек халқ мусиқаси ҳар бир шахснинг маънавий камолотини шакллантиришда, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда, қалб ва виждонини барқарорлаштиришда, эзгу орзу ниятларини амалга оширишда, баркамол инсонни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ўзининг тили, оҳанги, урф-одатлари, қадриятларини тараннум этади. Ўзбек мусиқа фольклори мазмунида эзгулик ғояларига ҳурмат-эҳтиром, соғлом турмуш тарзи, меҳр-оқибат, ўз ери, тарихи, маданияти билан мағрурланиш, мустаҳкам имон-эътиқод, кучли орият, пок виждон, ҳалол меҳнат, яхшилик, садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатларнинг маъно-моҳияти ифодаланган. Демак, Ўзбек мусиқа фольклори миллий мусиқа маънавиятининг ажралмас қисми сифатида жамият маънавиятини юксалтиришда ўқувчиларни эстетик тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Фольклор–халқ ижодиётининг барча соҳалари сингари халқ мусиқасини ҳам ўз ичига олади. Халқ мусиқаси айрим ҳолларда “Мусиқа аҳли” деб ҳам юритилади. Фольклор кўшиқлари оғиздан–оғизга, авлоддан–авлодга ўтиб тўлдирилади ва сайқал топади. Фольклор кўшиқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг ғоявийлигидадир.

Миллий мусиқанинг энг оммалашган тури фольклор кўшиқларидир. Фольклор кўшиқларида воқеа–ҳодисалар шахснинг ботиний кечинмалари ўз аксини топади ва бу ҳолат жамоанинг ҳис туйғулари билан уйғунлашган ҳолда

ифодаланади. Шу боисдан ҳам фольклор кўшиқлари ўқувчи–ёшларни эстетик тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади.

Фольклор кўшиқларининг жанр хусусиятлари меҳнат кўшиқлари, халқ ўйинлари ва уларнинг тараққиёт босқичлари кабилар фольклоршунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Педагогикада эстетик тарбия бериш муаммоси XX асрнинг 50–60 йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган. “Эстетик тарбиялаш”, “эстетик тарбия”, тушунчалари амалга оширилган тадқиқотларда кенг таҳлил қилинди. Илмий манбаларда таъкидланишича, шахсни камол топтириш, унинг ҳис-туйғулари, дунёқараши, маънавияти, маданиятлилик даражасини ривожлантиришда санъат ва адабиётнинг ўз ўрни ҳамда мавқеи бор. Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда мусиқанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Педагог ва психолог олимларнинг илмий тадқиқотларида кўшиқ ва мусиқанинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти муҳимлиги кўплаб далиллар асосида кўрсатиб берилган. Биз ушбу мақоламизда ворисийлик тамойилига таянган ҳолда амалга оширишни назарда тутдик. Ворислик – тарихий тараққиёт жараёнида янгилик билан эскилик ўртасида юзага келадиган зарурий алоқа, боғланиш усулидир. Шундай экан, ўқувчиларни эстетик тарбиялашда уларнинг ахлоқий сифатларига ҳам эътибор берилади. Зеро, эстетик тарбия ақл билан ҳиссиётни уйғунлаштиришдан иборатдир.

“Эстетика” кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Эстетика шахс эстетик онги, муносабатлари ва эстетик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда такомиллашувидан иборат бўлган узлуксиз жараён дир. Бу жараён шахснинг ёш хусусиятлари ва ижтимоий омиллар билан белгиланадиган турли босқичлар ҳамда даражаларга эга. Эстетик тарбия шахснинг жамият эстетик маданиятини эгаллаб олишга боғлиқ бўлиб,

турли педагогик воситалар, шакллар ва йўллар ёрдамида амалга оширилади. Жамият ва айрим шахснинг эстетик маданияти тушунчалари мавжуд. Жамиятнинг эстетик маданияти деганда. инсоният бутун ривожланиши тарихи жараёнида тўплаган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи тушунилади.

Ўқувчи шахсининг эстетик маданияти унинг жамият маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати, унинг айрим сифатлари ўзаро таъсир натижасида эстетик маданияти ҳам доимо ўзгариб туради.

Эстетик маданиятнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. Эстетик онг.

2. Эстетик муносабатлар.

3. Эстетик идрок

4. Эстетик қизиқиш.

**Эстетик онг** – ижтимоий воқелик табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида назариялар, қарашлар, бадиий таълим – тарбия натижасида шаклланади.

**Эстетик муносабат** – шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракат орқали ифодаланади. Бунда эстетик идрок бирламчи вазифани ўтайди.

**Эстетик идрок** - атроф муҳитдаги буюм, нарса, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини ҳис қилиш жараёни.

**Эстетик қизиқиш** – ўқувчида эстетик фаолиятга интилиш, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга киришишда ифодаланади. Ўқувчилар эстетик маданият даражасига ўзларини ўраб турган теварак-атрофдаги нарса, ҳодисалар, кийимлар, ўйинчоқлар, оила аъзоларининг ўзаро самимий муносабатлари ёрдамида ҳамда кўшиқ, мусиқа тинглаш орқали эришадилар. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар кўшиқ айтиш, ижрочилик, мусиқа асбобларини чалиш каби

кўникмаларга эга бўладилар. Бундай вазиятларда ўқувчилар мусиқа асбоблари ҳамда атроф- муҳитдаги кишиларга тўғри муомалада бўлиш мақсадида, ўзлари эгаллаган эстетик маданият даражасини намойиш қиладилар. Буюк аллома Форобий мусиқа асарларининг инсон вужуди, руҳияти, умуман, маънавияти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, мусиқа инсон кайфиятини ўзгартиришдан ташқари, унинг маънавий қиёфасига таъсир этишини эстетик жиҳатдан асослаб берган. Умумий ўрта таъли мактаб ўқувчиларини аниқ мақсадга йўналтирилган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар орқали эстетик тарбиялашда Ўзбек мусиқа фольклори муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Mirziyoev. Sh. 2019 yil 29 apreldagi “O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konstepstiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi PF-5712-son Farmoni.

2. Ражабов, Т. И., & Ибодов, У. Р. (2020). Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки. Вестник науки и образования, (21-2 (99)), 55-58.

3. Ражабов, Т. И. (2021). Усовершенствование научно-методических возможностей обучения бухарским детским фольклорным песням в средней общеобразовательной школе. Наука, техника и образование, (2-2 (77)), 84-86.

4. Ражабов, Т. И. (2020). Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников. Вестник науки и образования, (5-2 (83)), 34-37.
5. Раджабов, Т. И. (2019). Описание вековых ценностей в песне "тутовое дерево-балх" и его место в воспитании учащейся молодежи. In Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития (pp. 70-71).
6. Ражабов, Д. З., & Ражабов, Т. И. (2018). Формирование и развитие узбекской народной лирики. In Международная образовательная деятельность как фактор развития и сотрудничества высших учебных заведений в современном поликультурном мире (pp. 207-212).
7. Ражабов, Т. И. (2023). Совершенствование Механизма Духовно-Нравственного Формирования Учащихся Через Узбекские Народные Песни. *Miasto Przyszłości*, 33, 167-176.
8. Ражабов, Т. И. (2021). Ўқувчи-ёшларга ўзбек миллий мусиқа фольклори намуналари воситасида эстетик тарбия бериш. *Science and Education*, 2(11), 1094-1103.
9. Тўхтасин, Р. И. (2022). ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА ИЖРОЛАРИ ҲАҚИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, (Special issue), 64-71.
10. Rajabov, T. I. The Mechanism of Teaching Uzbek Musical Folklore. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences ISSN*, 2795(546X),
11. Ражабов, Т. (2023). О 'zbek bolalar musiqiy o 'yin folklorining mavzuviy tasnifi. *Общество и инновации*, 4(5/S), 340-345.
12. Ражабов, Т. И. (2022). Совершенствование Механизма Духовно-Нравственного Формирования Учащихся Через Народные Музыки И Песни. *Miasto Przyszłości*, 29, 363-367.
13. Rajabov, T. I. (2023). Distinctive Features of Folk Songs that Serve in the Spiritual and Moral Formation of Bukhara Pupils. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 2(3), 59-68.
14. Rajabov, T. I. (2022). The role of bukhara folklore songs in youth education in the system of continuous education.
15. Rajabov, T. I. The Mechanism of Teaching Uzbek Musical Folklore. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences ISSN*, 2795(546X), 1
16. Rajabov, T. I. (2023). Distinctive Features of Folk Songs that Serve in the Spiritual and Moral Formation of Bukhara Pupils. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 2(3), 59-68.

**VOLUME-1, ISSUE-4**

17. Madrimov, B. K., & Rajabov, T. I. (2022). Uzbek Ceremonial Folklore and its Characteristics. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, 1(4), 53-56.
18. Rajabov, T. (2022). UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA O 'ZBEK MUSIQA FOLKLORINI O 'RGATISH DOLZARAB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(21), 21-31.
19. Ibodovich, T. R. (2022). PRACTICAL SITUATION OF TEACHING UZBEK MUSICAL FOLKLORE IN THE CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).
20. Ibodovich, R. T. (2021). EDUCATIONAL IMPORTANCE OF CHILDREN'S FOLKLORE SONGS IN MUSIC CULTURE CLASSES. *Thematics Journal of Arts and Culture*, 5(1).
21. Ibodovich, R. T. (2020). Aesthetic education of students through national values (on the example of bukhara children's folklore). *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8, 237-240.